

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва кам-чиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, айниқса, жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштиришни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва тарғиб қилишни таъминлашга;

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгиланган ҳолда, ўрта муқаддатли ва узоқ муқаддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмаган;

Учинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида спортнинг замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмасини яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларнинг паст даражада эканлиги ушбу соҳада мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга имкон бермапти;

Тўртинчидан, жойларда ёшлар орасидан

иктидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги терма жамоалар таркибини сифатли тўлдирish учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

Бешинчидан, спорт кадрларини, айниқса, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини бермапти;

Олтинчидан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашнинг фақат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, ноқиллона тизими бошқа оммавий олимпия спорт турларини, энг аввало, спорт ўйинлари ва кишики спорт турларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаслигига олиб келган;

Еттинчидан, спортчиларни тайёрлаш ва улар тиббий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларининг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-масъул жараёнининг йўлга қўйилишини таъминлашга;

Саккизинчидан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлар сарфланшининг асослиги ва ҳаққонлиги устидан назоратнинг, энг аввало, ички назоратнинг молиявий маблағлардан оқиллона фойдаланишни таъминлайдиган ва ушбу соҳада суиистеъмолчиликларни барқарор этишга қаратилган самарали механизмни шакллантирилмаган;

Тўққизинчидан, халқаро стандартлар-

га жавоб берадиган сифатли маҳаллий спорт асбоб-ускуналари ва инвентарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми назарда тутилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизimini тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиmlарини негизда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташкил этиш;

Вазирлиқнинг марказий аппарати тузилмасида спорт фаолиятини ташкил қилишда асослилик, объективлик ва шаффофлиқни таъминлашга, шу жумладан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган давлат молиявий маблағларидан оқиллона фойдаланишни таҳлил қилиш, аҳолининг спорт хизматларидан қониқиб даража-

си ва спорт хизматларидан фойдалана олиш шарт-шароитларини баҳолаш, шунингдек, коррумпия ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш учун масъул бўлган Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлиmlарини негизда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлиmlарини ташкил этиш;

Бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига бўйсинадиган ва Жамғарма ҳисобидан молиялаштирилмаган туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлиmlарини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қoшидаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) Вазирлик тасарруфига бериш, уни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўча Дарвоза кўчаси, 27-уй манзилда жойлаштириш, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиалларини ташкил қилиш;

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ДАВЛАТ РАҲБАРИ СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЙЎЛ КЎНЛАРИДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН АМАЛИЙ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ЯХШИ КЎШНИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАДИ.

«ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК» МАВЗУИДА АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон раҳбари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир стратегик қарашларини 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён қилди. Сўнг ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осий: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги конференцияда давлатимиз раҳбари Марказий Осий, жумладан, Афғонистонда мустақкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастурини тақлиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларидаги дастурий низоmlар, унинг Марказий Осий ва Афғонистондаги жорий вазият, ривожланиш истиқболларига берган баҳоси халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уяғотди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Евроосийнинг «юраги»да жойлашган Марказий Осий Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осийни боғловчи кўприқдир». Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда қўллаб-қувватлаш ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд.

Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёевнинг фикрича, Марказий Осийда ҳақоннинг қудратли давлатларининг манфаатлари кесилишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти адолатли саволларни ўртага ташлади: минтақада вазият қандай ривожланади? Бу ерда қандай сценарий устун келади – низо ва қарама-қаршиликми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми?

Бу саволга жавоб равшан – энг аввало, барчаси Марказий Осий давлатлари минтақанинг умумий келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга нечоғли тайёрлигига боғлиқ.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида 5 март куни Туркия парламентининг «Туркия – Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гурӯҳи раиси Ҳайдар Али Йилдиз бошчилигидаги Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йулдошев билан учрашувда дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлиги турли йўналишларда жадал тараққиёт этаётгани, парламентлараро алоқалар мустақамлашиб бораётгани эса ўзаро муносабатларнинг янада кенгайишига хизмат қиларган таъкидланди.

Туркия Республикаси билан барча соҳалардаги ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро муносабатларнинг ривожлантирилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишидан биридир. Туркия Республикаси парламенти делегациясининг ушбу ташрифи парламентлараро мулоқот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикасига давлат ташрифи домида эришилган келишувларнинг амалий самарасидир.

Президентимиз томонидан 2018 йил 28 февралда қабул қилинган «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори умрини бола тарбиясида улғушга бағишлаган неча ўн минглаб фидойи тарбиячи-хизматчиларга янги куч-гайрат, илҳом бағишлади.

«Қатрага чун тарбият этти садаф...»

Кейинги бир йилда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ишларнинг салмоғи бир неча ўн йилларга татийди.

Президентимиз томонидан ёш авлод тарбиясининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизimini ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда мазкур масала атрофида муҳокама қилинган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соҳа равиқи учун янги истиқболларни очиб берди.

Давлатимиз раҳбари жойларда халқ билан мулоқот чоғида ҳам доимо ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда қабул қилинган қарор эса ниҳоятда улғуш ишларга дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

(Давоми 3-саҳифада)

Қиличбозларимизга автомобиллар берилди

Жорий йилнинг 22 февраль – 5 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қиличбозлик бўйича кадетлар ва ўсмирлар ўртасида Осий чемпионати ўтказилди. Унда кадетларимиз сабля йўналишида кумуш ва бронза медалига сазовор бўлди.



ЎзА сурати.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, спорт мухлислари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ш.Исроилов, Миллий олимпия қўмитаси раиси У.Аҳмаджонов ва бошқалар мамлакатимизда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилаётган эътибор спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришган ютуқларида яққол намоён бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда икки мингга яқин спортчи қиличбозлик билан мунтазам шугулланмоқда. Қи-

личбозлик бўйича 2015 йил пойтахтимизда кадетлар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Жаҳон чемпионатида мезбонлик қилиш учун қатор давлатлар давъогарлик қилган эди. Халқаро қиличбозлик федерация-

си Ўзбекистонда спорт, жумладан, Олимпия йўналиши дастуридан жой олган қиличбозликни ривожлантиришга домий эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш

борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатта мезбонликни Тошкент шаҳрига топширди.

(Давоми 2-саҳифада)

Муносабат

Навоийликларга наво бахш этган учрашувлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИ, ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШИШ ВА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА НАВОЙИЙ ВИЛОЯТИГА ҚИЛГАН САФАРИ ҲАР ЖИҲАТДАН САМАРАЛИ, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ. ҚўЛЛАБ МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ. АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БОРАСИДА БИР ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ. БУ, АЛБАТТА, НАВОЙИЛИКЛАРНИ РУҲЛАНТИРИБ, ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАШГА УНДАМОҚДА. БУГУН УЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШМАНГ, ҚАЛБИДА ЯНГИЛИНИШ, ЯШАРИШ ФАСЛИ – БАҲОРГА ҲАМОҲАНГ ЯРАТУВЧАНЛИК, БУНЁДКОРЛИК ТУЙҒУЛАРИ ЖШ УРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАСИЗ. КЕЛИНГ, УЛАРНИНГ ФИКРЛАРИГА ҚУЛОҚ TUTАМИЗ.

ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛДИ

Президентимиз халқнинг дардини дилдан ҳис этади, шунинг учун ҳам бугун барча учрашувларда ёш қарини жон қулоғи билан тинглайди. Вилоятимизда ташрифи вақтида ҳам бунга яна бир бора гувоҳ бўлди.

Вилоятимизда жорий йилда кам таъминланган оилалар учун 1150 та янги лойиҳадаги арзон уй-жой қурилиши мўлжалланган эди. Аҳолининг та-

лаб ва истакларини инобатга олиб, Президентимиз яна қўшимча равишда 243 та шундай уйлар бунёд этиш хусусида кўрсатма берганларини халқимиз катта қувонч билан қарши олди. Шунингдек, бундай хонадон эгаларига берилган кредит маблағлари тўловининг муддатини узайтириш бўйича тақлифлар инобатга олиншини билдирди.

Бугун куч ва билимининг юртимизда янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни

мустақамлаш, давлатимиз нуфузини янада оширишдек улғу мақсадларга бағишлаётган Президентимизни доимо қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги асосий вазифадир. Бунинг учун ҳалол меҳнат қилишимиз, ёшларимизни фидойилик кўрсатиш руҳида тарбиялашимиз лозим ва шарт, деб ҳисоблаймиз.

Хайрулла НАРЗУЛЛАЕВ, Навоий шаҳридаги «Ватан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҚИШЛОҚДА ҲАМ ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗ БЎЛАДИ

Мени кўндан бери бир масала қийнаб келар, бунда давлатнинг кўмағи керак эди. Давлатимиз раҳбарининг вилоят ташрифи давомида бу муаммага ечим топилди. Ишим юришадиган бўлди.

Гап шундаки, Хатирчи туманининг қишлоқ жойида 30 қатновга мўлжалланган хусусий тиббиёт маркази барпо этишни билаган эдим. 850 миллион

сўм шахсий маблағим эвазига тиббий муассасани тикладим. Лекин нават маскани зарур қишлоқ билан таъминлашга келганда қўлим бироз калталик қилиб қолди. Кредит олишда амалий ёрдам керак бўлди.

Кечаги учрашувда Президент билан юзма юз суҳбатлашганимда у киши меннинг дардимни тўри тушунди. Лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, 7 йиллик муддатта имтиёзли фойз ставкаси билан, аниқроғи, ўз ташаббуси билан қўшимча яна бир фойзага камайтирилган 300 миллион сўм миқдорда кредит ажратишга амалий кўмак берганлари менга ўзгача шижоат бағишлади.

Сайдулло ҚОБИЛОВ, Хатирчи туманидаги «Шамс таболат сервис» хусусий корхонаси раҳбари. (Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизда **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини** (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш; жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда спорт кийими, анжумлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар фаолиятини ташкил этиш учун пойтахт минтақасида **“Спорт” эркин иқтисодий зонасини** ташкил қилиш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда омаллаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидagi нуфузини оширишда алоҳида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа шахсларни тақдирлаш мақсадида **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими”** фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Куйидагилар **Вазирликнинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шугулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонига муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятини таъминлаш, раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишни омаллаштириш борасида кенг қўллашни таъминлаш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шугулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, кишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат тарма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда **Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси**, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортчи, шу жумладан, спорт ўйинлари ва қишқик спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобати ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар қўришни рағбатлантириш; жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларнинг оммавий спорт, болалар спорт ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича тақлифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга қўмлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллари тайёрлаш.

3. Белгилансинки:

Университет жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда тайёрлашни илгор усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича республиканинг базавий олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий муассасаси ҳисобланади;

Марказ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструкторлари), кафедра мудирилари, таълим муассасалари ва спорт ташкилотлари тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни амалга оширадди.

4. Куйидагилар оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

мактабгача таълим муассасаларида – бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

умумтаълим мактабларида – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўғрақлари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 4 соатдан);

ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўғрақлари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

олий таълим муассасаларида – истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий тарма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш (ҳафтасига камида 6 соатдан);

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор) ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси ва кафедра мудири лавозимларида халқаро даражадаги спорт мусобақалари голиблари тайинлаши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор) лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошқилари томонидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудирилари) лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошқилари томонидан амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор ва кафедра мудирилари)нинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўқувчи (талабалари) жисмоний тарбия ва касбий тайёргарлиги ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаш (селекция)да, энг аввало, эришилган аниқ натижаларни ҳисобга олган рейтинг тизими асосида амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор ва кафедра мудирилари)нинг моддий рағбатлантириш улар фаолиятининг шахсий кўрсаткичларини рейтинг тизимида баҳолашга асосан амалга оширилади;

туман (шаҳар) спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тadbирларининг ягона календарь режалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади; умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тadbирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлилиги бўйича “Ешлик”, “Баркамол авлод” ва “Талаба” жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилан қўйилсинки:

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси олимпия спорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар ва бошқа спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш қисми бўйича жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, шу жумладан, Вазирликнинг фаолиятини мувофиқлаштирадди;

Вазирликнинг олимпия спорт турларини ривожлантиришга масъул бўлинмалари раҳбарлигига номзодлар Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси билан мажбурий равишда келишилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вазирлик олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари раҳбарларини танлаш, тайинлаш ва аттестация қилишда, мазкур мактабларга йўналишлар бўйича қабул қилиш қотарли қилинишида ҳамда спортчиларни халқаро спорт мусобақаларига юборишда иштирок этади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш доирасида спорт федерация (ассоциация)лари учун ажратилаётган ҳомийлик маблағлари Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида жамланади ҳамда спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини мақсадли молиялаштиришга, шу жумладан,

етук хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилиш учун сарфланади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Вазирлик билан ҳамкорликда юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни олимпия тайёрлаш марказлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа спорт ташкилотларининг ўқув-машғулот жараёнига кенг жалб қилишни таъминлайди.

7. Куйидагилар ташкил этилсин:

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Азия-Чимган” меҳмонхонаси негизида миллий тарма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида “Алоқачи” соғломлаштириш оромгоҳи негизида гимнастика спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида сержантлар тайёрлаш мактаби негизида спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази; Қашқадарь вилояти Шахрисабз туманида “Тулнорча” соғломлаштириш оромгоҳи негизида спорт яққақурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилаётган марказлар тасарруфига бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу объектларни барча бино ва иншоот мажмуалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси тасарруфига бегараз ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилан қўйилсинки:

жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек, таълим муассасалари ва спорт ташкилотларида меҳнат қилаётган спорт фахрийлари фаолиятининг бошқа ҳақ тўланадиган турлари билан шугулланмаслик шарти билан пенсия тўлиқи миқдорда тўланади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари совриндор спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлардаги жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, шунингдек, тегишли спорт федерациялари (ассоциациялари) тавсияномаларига асосан тренерлик фаолияти бўйича соддалаштирилган тартибда аттестациядан ўтиб; спорт мактабларида тренер сифатидаги тренерлик фаолияти билан шугулланишга ҳақли;

спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига аввал шугулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий қўниқмага эга бўлган шахслар тайинлаши мумкин;

тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун руҳсатнома мuddати тугаган тренерлар кўли билан тўрт ой мuddатдан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда янги руҳсатнома олинишига қадар меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳақли.

9. Олимпия спорт турларини 2018-2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва омаллаштириш комплекс чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун вазирлик, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

10. Вазирлик:

икки ой мuddатда жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирилари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомини тасдиқласин;

2018 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни узок мuddатли истиқболга ривожлантириш концепцияси лойиҳасини халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ва киритсин;

уч ой мuddатда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларнинг ишлаб тартибини ташкил этиш тизимини тандиқий жихатдан ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва тақомиллаштириш, ташкилий-штар тузилмасини қайта қўриб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш тизимини тартибга солиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда уч ой мuddатда спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, йўриқчилари ҳақидаги маълумотларни ҳамда таълим муассасаларида спорт турлари бўйича имтиҳон қилиш тизими таҳлиллари натижаларини ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратилишини таъминласин;

уч ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва ўқув тайёргарлиги марказлари доирасида спортчиларни тиббий таъминлашни ташкил этиш ва кузатиб бориш тартибинини, шу жумладан спорт тиббиёт муассасалари тармоқларини яратишни ўз ичига олган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой мuddатда Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда таълим

муассасалари қошида спорт клубларини ташкил этиш, фаолият олиб бориш ҳамда молиялаштирилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой мuddатда республика ҳудудида жисмоний тайёргарлиқни ташкил этишининг ягона талабларини белгилашни таъминловчи, олимпия спорт турлари бўйича тайёргарликнинг ягона меъёрларини спорт таълими муассасалари фаолиятига татбиқ этишни таъминласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда 2018 йил 1 июнга қадар спортнинг қишки ва ўйин турларининг ривожланиши ва омаллаштиришнинг амалдаги ҳолатини ҳар томонлама ва танқидий таҳлилин ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида спортнинг қишки ва ўйин турларини янада ривожлантириш юзасидан тақлифлар тайёрласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда республика олимпия захиралари мактаб-интернатлари қошида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш тақлифини киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги Низомини тасдиқласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинсин;

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Низомини тасдиқласин, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари контингентини тўлиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини қамраб олган ҳолда уларнинг шиконий-штар тузилмасини тасдиқласин;

икки ой мuddатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча турдаги таълим муассасаларида таълим стандартлари қайта қўриб чиқилсин, таълимнинг ҳар бир босқичида умий таълим юкларидан ошмаган ҳолда, дарс соатларини ошириш ёрдамида, спорт тармоқлари бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш, натижаларни тизимли таҳлил қилиш ишлари олиб борилсин;

икки ой мuddатда қурилиш-монтаж ишлари, замонавий спорт жиҳозлари, техникаси ва инвентарлар билан таъминлаш, узлуksиз ўқув-машғулот жараёни ва спортчилар, тренер ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилар яшаш учун шaroит яратишни инoбатта олган ҳолда олимпия тайёргарлик марказлари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинсин;

уч ой мuddатда олимпия захиралари мактаб-интернатлари қабул квоталарини спорт турлари бўйича энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган самарали таълим тизими ташкил этилсин;

уч ой мuddатда тренерлик фаолияти билан шугулланиш бўйича аттестациядан ўтиш ва руҳсатнома олиш тартибин соддалаштиришга йўналтирилган ҳукумат қарори қабул қилинсин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар спорт инфратузилмасини ташкил этиш ва тизимли тарзда ишчилари жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Касба уюшмалари федерацияси икки ой мuddатда Мудофаа вазирлигининг спорт клуби, “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фаолиятини тақомиллаштириш ва касба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятини тиклаш, шунингдек, идоравий спорт базаларини модернизация қилиш, улар қошида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун барчанинг шугулланишига имкони бўлган секция ва тўғрақлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

14. Вазирлик ҳамда Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сон Фармони биринчи банди унчи қисми хатбошиси ва унчинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

Қиличбозларимизга
автомобиллар
берилди

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси томонидан чемпионати юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори мувофиқ Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси жойларда ёшларнинг ушбу спорт тури билан шугулланиши учун шарт-шaroит яратиш, спортчи ва мураббийларнинг маҳоратини ошириш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳудудий федерациялар фаолият кўрсатмоқда. Олимпия захиралари коллежлари ва спорт мактабларида қиличбозлик бўлимлари ташкил этилган. Спортчиларнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик қўриши ва муносиб иштирок этиши учун қулай имкониятлар яратилмоқда.

Қиличбозлик спортини аҳоли ўртасида янада омаллаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги “Умид” теннис академиясининг спорт залида мазкур спорт турининг илгари йўналишида машғулотлар ўтказиш учун жаҳон стандартларига тўғри келадиган шaroит яратилди. “Ешлик” спорт мажмуасида қиличбозликнинг сабля йўналишида шугулланиш учун 700 квадрат метр бўлган зал фойдаланишга топширилди.

Эстониялик мураббий Игорь Чикинёв мамлакатимиз тарма жамоасига жалб этилди.

– Ўзбекистонда қиличбозлик билан шугулланиш учун жуда яхши шaroитлар яратилган, – деди мураббий Игорь Чикинёв. – Бундай шaroит кўпball давлатларда йўқ. Мен ўстга беш йил ичида Эстонияда ишладим. Ўз вақтида Швеция, Эстония тарма жамоаларида фаолият олиб борганман. У ердаги тизимларнинг барчаси бир-биридан фарқ қилади. Шуниси аниқки, ўзбекистонлик ёшларда иқтидор ва салоҳият бор.

2017 йилнинг декабрь ойида Президентимиз ёш спортчиларни эришяётган юқори натижалари билан қўтball, қиличбозлик бўйича халқаро турнирлар совриндори Зайнаб Дайибоевага “Nexia” автомобилини совға қилди.

Осиё чемпионати сабля йўналишидаги жамоавий баҳсларда қатнашган кадетларимиз чорак финалда Иордания тарма жамоасини 45:23, ярим финалда қувайтлик тенгдошларини 45:44 ҳисобида маглуб этиб, Осиё чемпионатининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Чемпионатда тарма жамоамиз таркибида Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчиси Жалолиддин Душамбоев, Қорақалпоғистон Республикаси агро ва сув ҳўжалиги коллежи ўқувчиси Шерзод Мамутов, Қорақалпоғистон Республикаси 2-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Пазил Генжебаев, Тошкент шаҳридаги 34-мактаб ўқувчиси Бобир Расулов иштирок этди.

Қизлар ўртасидаги сабля йўналишида ҳам

Навоийликларга наво бахш этган учрашувлар

(Боши 1-саҳифада)

ШАХАР ВА ҚИШЛОҚ ҲАММАСИДА ТАВОФУТ ҚОЛМАЙТИ

Мен маҳалладаги ота-оналар номидан йўлланган раҳматни қай ҳолатда давлатимиз раҳбарига жонли тарзда етказишни билмай юрган эдим. Чунки, маҳалламизда барпо этилган боғча – Президент соғваси хамма оналар қатори менинг ҳам кўларимда секин-секин ёшларини қамқитди.

Гап шундаки, бир пайтлар қурилган эски боғчада – шароитлари ўзига яраша, эҳ ҳиди ҳамма ёқни тутган бинода фарзандларимиз тарбияланишга мажбур эди.

Шавкат Мирзиёевнинг вилоят фаоллари билан сайловди учрашувида Нурота туманидан видеоалоқа тарзида суҳбатлашганимизда маҳалламизда болалар боғчаси қурилишида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатим шахсан ўзларининг назоратида бўлди. Яқинда икки қаватли замонавий боғча фойдаланишга топширилди.

Икки миллиард сўм эвазига барпо этилган масканда қишлоқ фарзандлари учун энг замонавий шароитлар яратилди. Тўғриси, шаҳардаги имкониятлардан ҳам зўр. Энди шаҳар билан қишлоқ ўртасида тафовут қолмади. Ҳар ким яхши яшашга ҳақли, дегани шу бўлса керак.

Давлатимиз раҳбари кўп тақдорлайди, биз нима учун бу ишларни қилмайдим, ким учун, халқ учун, деб. Энг муҳими, эртаси, келажакимиз учун сарфланган ҳар қандай меҳнат, моддий харажат зоё кетмаслиги аниқ. Айниқса, фарзанд тарбияси, миллат келажаги йўлидаги бундай ишлар, албатта, ўз самарасини беради.

Насиба ҚҮЛДОШЕВА,

Навбахор туманидаги "Сарбозор" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси.

ТОМОРҚА ХАЗИНА ЭКАНЛИГИНИ ТУШУНАЙМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифидан барқали бўлди. Чиндан ҳам янгида янги лойиҳалар, бунинг эвазига аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ижтимоий муаммоларга ижобий ечим топиш халқнинг ҳаётдан рози бўлишида муҳим омилдир. Вилоятнинг энг олис ҳудудларига бориб, одамларнинг дardини тинглаб, уларнинг ҳам яхши яшашга ҳақли эканлигини ўйлаб берган топшириқларидан бошимиз осмонга етди.

Айниқса, Президентимизнинг

маърузасини тинглаб, бир нарсага амин бўлдим. Энди халқимиз, янгича фикрлаши, янгича яшаши, ҳаётга қарашларини буткул ўзгартириб, уйғониши керак. Нега деганда, одамлар изланмаса, ҳаттоки, томорқасидан унумли фойдаланиш йўллари топила, оиласига қўшимча даромад келтириб яшашни ўрганмаса, ҳаммаси эски ҳаммом, эски тослигича қолиб кетаверади.

Айна аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш борасида вилоятдаги камчиликлар кескин танқид қилинди. Жумладан, 12 минг 607 гектар томорқадан самарали фойдаланилмаётгани, эртаки экинлар экиш, илҳам иссиқоналар қуриш тажрибаси аҳолига кўллаб даромад келтириши таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам жаҳон тажрибасида бизнинг заминдагидек бир парча серхосил ер олтинга тенг. Шундай экан зар турпрогимиздан дур ундириш вақти келди.

Бугун бизнинг маҳалламизда ҳам ўзгаришлар катта. Худудда замонавий инфратузилма яратилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида савдо, ишлаб чиқариш, маънавий хизмат ташкил этилган. Айниқса, томорқалардан унумли фойдаланиш мақсадида турли цитрус мевалар, қўқат, помидор ва бодринг етиштиришга мўлжалланган мўъжаз иссиқоналар барпо этилмоқда. Энг муҳими, маҳалламиздаги барча оила ўзига тўқ. Деярли ҳар бир хонадонда товуқ ва қурқа парвартирилади. Оилавий тадбиркорларимиз томонидан парҳезоб товуқ гўшти етиштириш ушбу йўлга қўйилган. Ҳа, халқимиз ташуняпти – томорқа хазина эканлигини.

Қаршибой АБДУҲАКИМОВ,

Қармана туманидаги "Камолот" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МЕВА-САБЗАВОТ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЕТИШТИРИЛАДИ

Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этишга қаратилган эътиборни алоҳида эътироф этиш лозим. Президентимизнинг 2017 йил 6 ноябрдаги "Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қурилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори белгиланган режаларни янада изчил амалга оширишни тақозо этди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари раислигида 2017 йил 20 ноябрь кунин бозорларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан уз-

луксиз таъминлаш, уларни қайта ишлаш кўламини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хўл мева-сабзавотлар экспортини кенгайтириш, шунингдек, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилишга бағишланган йиғилишда ички истеъмол бозорини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш юзасидан яқин йилларда бажарилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Президентимизнинг жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимизга ташрифи вақтида бу йўналишда амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилди.

Маълумки, ҳозирда вилоятимизда бешта мева, сабзавотларни қайта ишлаш, қадоқлаш корхоналари фаолият юритмоқда. Худудда етиштирилаётган маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлашда уларнинг қуввати ҳали етарли эмас. Шу боис, Президентимиз бундай корхоналар сонини кўпайтириш, қувватини ошириш бўйича қатор кўрсатмалар берди. Шунингдек, бу борада энди кластер усулини қўллашни жорий этишга қарор қилинди.

Бугун ҳар бир юртошимиз юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имконият ва шароитга эга. Бунда бизга давлатимиз яқиндан кўмақдош бўлмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш, қўлай меҳнат шaroити яратиш, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж учун зарур саноат моллари билан таъминлашда турли имтиёзлар берилди.

Тарихга айланаётган ҳар бир дақиқамиз бизни янада улғувроқ вазифалар сари етаклайди. Унинг қадрига етиб, бутун вужудимиз билан виждонан меҳнат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.

Бобоёр РАЖАБОВ,

Қармана туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари.

ЧЎЛГА ҲАЁТ ҚАТМОҚДА

Президентимиз билан учрашувларда худудимизда ҳаётга татбиқ этилиши мўлжалланган истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Уларни амалга ошириш натижасида чўл худудларида икки йил ичида 4 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Ўтган йили биргина Конимех ту-

манида, катта йўл бўйида фойдаланишга топширилган тўғрилик мажмуасига дунёнинг 61 давлатидан 3 минг нафар сайёҳ келди. Муқаддам бу ердаги шароитлар талабга жавоб бермас эди. Тармоқнинг самарадорлигини эътиборга олиб, шуб жойда 1000 бош туя ва 500 бош насли эчки боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси барпо этиш режалаштирилди. Умумий қиймати 15,7 миллиард сўм бўлган мазкур замонавий чорвачилик мажмуаси учун хориждан насли эчкилар сотиб олинди. Натижада йилига 1000 тонна туя, 300 тонна эчки сути қайта ишланади. Пировардида худуд нафақат туя ва эчкичилик мажмуаси, балки йилига 10 минг сайёҳни қабул қиладиган замонавий экотуризм марказига айланади.

Шу ўринда туя сутининг шифобахш хусусияти ҳақида тўхталиш жоиз. Унинг таркибиде шифобахш витаминлар сугир сутига қараганда 3 баробар кўп. Бундан ташқари, туя сутида бир қанча фойдали моддалар мавжуд. Улар қандли диабет, камқонлик, гепатит, нафас ва ошқозон-ичак йўллари, буйрак, юрак, асаб касалликларига даво бўлиб, иммунитетни мустаҳкамлайди. Юртимизга келган сайёҳлар ана шу шифобахш сўтдан татиб қўриши, чўл бўйлаб туя ва квадроциклларда сайр қилиши мумкин бўлади.

Президентимизнинг халқ билан мулоқоти давомида туманимизда қоракўлчиликни ривожлантириш, қуриб қолган қудуқларни янгилас, саксовулзорлар барпо этиш, бунда саксовул уругини ерга селиб қўқартиришга эътибор қаратиш, буталар орасига чорва учун озқабоб ўтлар экиш каби самарали тақлифлар ҳам илгари сурилди.

Очигини айтиш керак, шу пайтгача бепоев Қизилқум саҳрасида яшовчи одамлар учун муносиб турмуш шарoитини яратиб беришга бунчалик жиддий эътибор қаратилмаганди.

Президентимизнинг 2017 йил 25 апрелдаги "Навбйи вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам мазкур йўналишдаги хайри ишларга туртки бўлди.

Биз, чорвадорлар давлатимиз раҳбарининг юксак эътиборидан илҳомланиб, янада катта куч-гайрат билан зиммамизга юклатилган топшириқларни адо этишга киришамиз.

Елубай МИРЗАЛИЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор.

«Қатраға чун тарбият этти садаф...»

(Боши 1-саҳифада)

Қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб мудирилар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбари ва тарбиячининг ёрдамчилари ойлик маошлари 30 фоизга, 1 сентябрдан бошлаб эса тайёргарлик гуруҳида фаолият юритадиган ходимларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчилариникига тенглаштирган ҳолда 30 фоизга оширилиши соҳага курсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу, албатта, ҳар бир ходимни моддий манфаатдорлигини ошириши билан бир қаторда уларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини ҳам юксалтиради. Шу ўринда вилоятимизнинг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чироқчи, Нишон, Яқкабоғ ва Ғуздор туманлари мактабгача таълим муассасаларида болалар сақлангани учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баробарга қисқартирилгани юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, оила фаровонлиги устувор масала сифатида қўйлаётганидан далолат беради.

Бундай юксак ишонч ва рағбатга муносиб бўлиш учун ишлаш, изланиш ва муттасил ўқиб-ўрганишимиз шарт. Кейинги бир йилда бир-

гина Қарши шаҳрида бу соҳада амалга оширилган ишларни айтиб ўтишни жоиз топдик. Соҳага курсатилган эътибор туфайли қисқа муддат ичида Қарши шаҳридаги Ислоом Каримов кўчасида алоҳида мослаштирилган бинога эга бўлди. Бўлим учун Қарши политехника касб-хўнар коллежидан 15 та хона ажратилди. Самарали фаолият юритишимиз учун жиҳоз ва компьютерлар етарли. Маълумият, марказлашган молия-бухгалтерия хизмати тажрибали ҳамда малакали ходимлар ҳисобига мустаҳкамланди.

Қарши шаҳрида ҳозирги кунда 39 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, умумий қуввати 7 минг 600 ўринни ташкил этади. Уларда эса 11 та мактабгача 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар таълим-тарбия олмамоқда. Мактабгача таълим муассасасининг 30 таси намунавий, 9 таси мослаштирилган бинода жойлашган. Давлат дастури асосида сўнгги уч йилда 6 та, 2015 йилда эса 11 та мактабгача таълим муассасаси биноси таъмирланди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар жадал олиб борилаётир. Шаҳардаги 2-маҳсул мактабгача таълим муассасасида, шунингдек, 41-мактабгача таълим муассасасида капитал реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, Қарши шаҳрининг Шайхали кўрғонидеги 38-ҳамда "Хонтена" МФИдаги

36-мактабгача таълим муассасалари капитал таъмирлаш режасига киритилган.

Мактабгача таълим муассасасидаги болаларнинг тўғри ва сифатли овқатланиши бўйича ҳам қатъий назорат ўрнатилган. 2018 йилнинг 1 январидан эътибордан ягона таомнома асосида овқатланиш ташкил этилди.

Тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш мақсадида мавжуд мактабгача таълим муассасаларида рус ва инглиз тили, 14-, 17-, 25-, 39-МТларда бадий гимнастика тўғрисидаги иш бошлади. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунин шаҳарда мактабгача тарбия муассасалари кунин, деб эълон қилинган. Қарши шаҳар ҳокими ва ишчи гуруҳ аъзолари жойларда амалга ўрганилаётган ишлар билан танишиб, мавжуд камчиликларни барқарор этишда ва ҳомийлик ёрдами кўрсатишда бевосита иштирок этмоқдалар.

Айни пайтда шаҳардаги мактабгача таълим муассасалари 1-, 2-, 3-тоифага бўлинган ҳолда ўрганилиб, уларни янада такомиллаштириш учун барча куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 14 феврал кунин мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қўйлаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлат-хусусий шериклик асосида хусусий

боғчалар ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Қарши шаҳрида тадбиркорлар томонидан 50 дан ортиқ хусусий боғча ташкил этиш бўйича тақлифлар билдирилган бўлиб, айни пайтда улар ўрганиб чиқилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки чорағида шаҳарда иккита хусусий боғча фаолият кўрсатади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг савияси, билим ва педагогик маҳоратини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда мавжуд мактабгача таълим муассасаларида жами 1382 нафар ходим фаолият кўрсатади. Шундан олий маълумотлилар 124 нафарни, ўрта махсус маълумотлилар 420 нафарни, умумий ўрта маълумотлилар 838 нафарни ташкил этади. Айни пайтда 200 нафардан зиёд ўрта махсус маълумотига эга бўлган ходимлар бакалаврият йўналишида таълим олиш истагини билдирмоқда.

Жорий йилнинг 22 февралдан Қарши давлат университети билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, амалий психолог ва дефектологларни қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Янги ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки шаклда бакалаврлар тайёрлаш бўлими фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Шунингдек, Жанубий

Кореянинг Пучон университетини билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университетининг ташкил этилиши тизим фаолиятида кескин бурилиш ясаши кутилмоқда.

Ҳазрат Навоий кишининг чинакам инсонлиги унинг наслида эмас, балки яхши тарбия ва таълим олиши билан белгиланади, дея шундай таъриф этади: **Улча эрур тифлга шоста иш, Билки кичикликта эрур парварши.** **Қатраға чун тарбият этти садаф.** **Эл бошига чикқуча толти шараф.** Тифл – гўдак, бола. Демак, болани жуда кичиклик вақтидаёқ тарбия этиш лозим деб қаралади. Бола тарбияси ёшлигидан бўлар экан, у садаф ичида дурнинг етишиб чиқишига ўхшатилади.

Англаб турибмики, таълим-тарбия давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Бу соҳага оид қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, бошқа ҳужжатлар, бугун мамлакатимиз таълим тизимиде амалга оширилаётган ислохотлар яқин келажакда улкан мўъжизалар, ёрқин самаралар беришига ишонч уйғотади. Бу ишонч бизни янада фаолроқ бўлишга, виждонан ишлашга чорлайди.

Ораста ТОШЕВА,

Қарши шаҳри Мактабгача таълим бўлими мудири.

«ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК»

МАВЗУИДА АФҒОНИСТОН БҲЙИЧА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Боши 1-саҳифада)

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақанинг барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшнлик худудига айланганидан бевосита манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек: **«бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат».**

Айни пайтда энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири – қўшни Афғонистондаги низоини ҳал қилмасдан туриб олдимизда турган мақсадларга эришишни иложи йўқ, чунки у тарихий ва геосиёсий жиҳатдан минтақамизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш – Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиёти қафолатидир. Самарқанддаги халқаро анжуманда сўзга чиқар экан, Ўзбекистон Президенти хавфсизлик таҳдидларини «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажраттишдан воз кечиш, «ялпи хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига тўғридан-тўғри даъват қилди.

Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўлини таъминлаши, Ҳиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

Шу муносабат билан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишнинг асосий масалалари бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсусни тасдиқлаш, мамлакатда миллий ярашув бўйича афғонистонликлар раҳбарлигида ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон доимо Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солишнинг қатъий тарафдори ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз қўшни давлатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу жиҳатдан Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон билан ҳамкорликда жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясини ўтказиш ташаббусининг илгари сурилиши Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича умумий стратегиясининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Мамлакатимиз афғон муаммосига бағишланган деярли барча халқаро форумларда фаол иштирок этмоқда. «Кобул жараёни», «Москва формати», «Осиё юраги – Истанбул жараёни» форуми, Афғонистон бўйича халқаро алоқа гуруҳи, «ШҲТ – Афғонистон» алоқа гуруҳи, Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси шулар жумласидандир.

19 январь кунин Нью-Йорк шаҳрида йиғилиши давомида Ўзбекистон ва Афғонистон томонидан Тошкент форумининг қўшма тақдими ташкил этилди.

Тошкентдаги конференция 28 февраль кунин Афғонистон пойтахтида ўтган «Кобул жараёни»нинг иккинчи йиғилишидан сўнг бўлади ва халқаро ҳамжамият томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлади.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислоом Республикаси Президенти Ашраф Ғани сўзга чиқадилар.

Тошкент учрашувида иштирок этиш учун БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ва ташкилотнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Моргерини, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ,

Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари тақлиф этилган.

Форум иштирокчилари минтақавий ва глобал даражада тез орада Афғонистон ҳукумати билан «Толибон» ҳаракати ўртасида ҳеч қандай дастлабки шартларни илгари сурмасдан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш зарурлиги хусусида умумий нуқтаи назар баён этилиши кутилмоқда.

Конференция якуни бўйича Тошкент декларациясини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, унда қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда:

биринчидан, тинчлик жараёни афғонистонликларнинг бевосита раҳбарлиги ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва қарорлари низомига мувофиқ амалга ошиши керак;

иккинчидан, қуролли муҳолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига қафолатли интеграция қилиниши ва қонуний сиёсий куч сифатида эътироф этилиши тинчлик жараёнининг муҳим омили ҳисобланади;

учинчидан, халқаро ҳамжамият терроризмининг ҳар қандай шакл ва кўринишига қарши бўлиб, трансналлий терроризм, наркотрафик ва ушолган жиноятчилик таҳдидлари нафақат Афғонистон, балки умуман бутун минтақа ва жаҳоннинг барқарорлиги ва изчил тараққиётига умумий хавф саналишини эътироф этади.

Тошкент конференцияси арафасида, шунингдек, ҳамкорликнинг янги шаклидаги «Марказий Осиё + Афғонистон» (C5+1) биринчи йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу формат Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилма алоқалари тизимига муваффақиятли интеграцияси, умуминтақавий миқдасдаги аниқ лойиҳа ва дастурларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Тошкент конференцияси ҳақидаги ташаббусни илгари сураб экан, Ўзбекистон уни бир марталик тadbир сифатида ўтказиш билан чекланиб қолмай, ундан кейин ҳам икки ва кўп томонлама муносабатлар доирасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги сиёсий жараёнга кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш асосида Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ечиш бўйича сиёсий жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу жараёнда асосий роль ва жавобгарлик ўз мамлакатини келажакни белгилаши ва қуриши керак бўлган афғонистонликларнинг зиммасида эканлини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Тошкент конференцияси олдиде турган юксак мақсадлар, шунингдек, унинг ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари, ШҲТга аъзо давлатлар ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиёнинг бешта мамлакатини иштирок этиши бутун дунёда форум ишига катта қизиқиш уйғотмоқда. Тadbирни ёритишда қатнашиш учун жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг катта гуруҳи ташриф буюриши кут

Мутолаа маданияти юксалмоқда китобхонлар учун имкониятлар кенгаймоқда

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бухоро вилояти ахборот-ресурс маркази 12 та туман (шаҳар) ахборот-ресурс маркази, 523 та мактаб, 14 та Баркамол авлод болалар маркази, 4 та махсус мактаб ва мактаб-интернати, 1 та Меҳрибонлик уйи кутубхоналарига методик раҳбарлик қилади. Марказнинг кутубхона фондида 89 906 нусха босма адабиёт, 12 300 та электрон ресурс мавжуд.

Улардан 244 таси электрон даврий нашр, 3480 таси реферат ва иккунчи ишлар, 150 таси мультфильм ва кинофильмлар, 4591 таси электрон китоблар дарсликлар, 1385 таси фан соҳалари бўйича ахборотлар, 2278 таси расм, видео кўринишидаги материаллардир.

– 2017 йилда 5483 нусхада янги адабиётлар харид қилинди, – дейди марказ раҳбари Насиба Аминова. – 24 номдаги газета ва журналларга обуна бўлинди. Бугунги кунга 4710 нафар фойдаланувчига 49 584 та китоб берилди. Муассасмида 1-9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ҳамда ақиллари учун медиа зал ташкил этилган. Бу ерда режа асосида миллий кинолар ва мультфильмлар намойиш қилинади. Фойдаланувчиларнинг маънавий саводхонлигини янада ошириш, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ҳамда ижодкорлигини шаклланти-



риш мақсадида савол-жавоб, ифодали ўқиш, аълочилар синфи ва расм чиши каби тадбирлар ўтказилади.

Бундан ташқари, марказда "Китоб – менинг дўстимсан" шiori остида адабий-маърифий кечалар, "Ажойиботлар майдони", "Нима? Қерда? Қачон?" сингари китобхонликка оид таълиқлар, шоу-дастурлар, викториналар, шунингдек, "Оммавий китобхонлик" ҳафталиклари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Марказда умумтаълим мактаблари

кутубхоналаридан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Бухоро шаҳридаги Меҳрибонлик уйи ва қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда мактабга таълим муассасалари билан қўшма режалар тузилиб, доимий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Фойдаланувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида уларнинг марказдаги компьютерлардан, интернет тармоқларидан унумли фой-

даланиши йўлга қўйилди. Натижада ўқувчилар ўзлари учун зарур ахборотларни ушбу тармоқ орқали мураккаб топа олиш имконига эга бўлди. Аҳолини, айниқса, ёшларни китобга қизиқтириш ва мутолаага жалб қилиш мақсадида буктрейлерлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу каби замонавий усуллар кутубхоначилар ва фойдаланувчиларнинг фаоллигини янада оширмоқда.

Наргиза ҚУВОНЧЕВА

«Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!»

Наврўзидан айланай, юртим

Наврўз қадим-қадимдан янги йил, янги кун, меҳр ва саховат байрами сифатида нишонланиб келинган. Кўклар келиши, она табииат яшариши билан кўчаларни тозалаш, кўчат экиб, бог-роғларга оройиш бериш ишлари авж олдириб юборилади.

Мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борманг, ҳамма-нинг кўнгли шод, байрамона кайфият ҳукмрон бўлади. Худдики, бутун борлиқ бу байрамдан завқланаётгандек, кўёш ўз заррин нурларини юртимиз узра сочади.

Президентимизнинг 2018 йил 23 февралдаги "2018 йил Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида республикамизнинг ҳар бир ҳудудиди, хусусан,

Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманлари, энг чекка қишлоқларида ҳам ободлаштириш, кўчаларнинг янгиликларини таъмирлаш, янги гулзорлар, бог-роғлар, ажойиб хиёбонлар барпо қилиниб, кўча ва маҳаллаларнинг саранжом-саристалиги, ободлиги таъминланди.

Кўп йилдан буён Гулистон – Янгиер автомобиль йўли бўйлари деярли дов-даракларсиз, "ялонғоч" ҳолда ётарди. Вилоят ҳокимлиги ва "Сирдарёавтоюл" бошқармасининг ташаббуси билан йўлнинг икки томони ҳайдалиб, кўчатлар ўтказилди. Эндиликда янги экилган кўчатларнинг кўкариб, амал олишини таъминлаш мақсадида қудуқлар қазилиб, доимий сув етказиб берилишига эришилади. Бунинг натижасида дов-даракт-

ларни парвариш қилиш учун 50 нафардан ортиқ ёшлар доимий ишга жалб этилади.

Шунингдек, вилоятимиздаги Ховостепа ва бошқа қадимжоларнинг ободлаштиришида ишга жалб қилинган ёшларнинг кўрсатилиши билан Буюк ипақ йўли йўналишида жойлашган қадимий кўрсаткич янада обод этилишидан мўжза беради.

Бундан ташқари, Наврўз байрами олдидан шоирлар, ёзувчилар, олимлар, таниқли санъаткорлар билан учрашувлар, улар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, дам олиш мас-

канлари, боғлар, хиёбонларда халқ сайиллари ўтказилади. Ушбу сайилларда ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари хайрия оши, сумалаклар тарқатади. Кексалар, кам таъминланган оила-лар, ногиронлар, узоқ йиллар турли соҳада самарали меҳнат қилган отахону онахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улаштирилади, моддий ёрдам кўрсатилади. Сирасини айтганда, "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган эзу гуяни ўзида мужассам этган чинакам халқона байрам вилоятимизда ҳар қачонгидан кўтаринки руҳда нишонланади.

Дилфуза УРОЛОВА,
Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Эълонлар

«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» давлат унитар корхонаси

1 дона "Гидроконус дробилка" ва 1 дона "Тош саралаш ускунаси" харид қилиш учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда чет эл компаниялари ҳамда маҳаллий етказиб берувчилар иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати – 2018 йил 15 март соат 16:00 гача. Таклифлар муҳрланган конвертларда қабул қилинади.

Белгиланган муддатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмайди.

Барча саволлар ва техник кўрсаткичлар ҳақида маълумотларни (+99871) 150-36-04, (+99871) 150-36-05 телефон рақамлари ва www.uztm1.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Зиёлилар кўчаси 1 уй. Электрон манзил: info@uztm1.uz

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» акциядорлик жамияти

корхона Агромажмуаси гўшт-сут фермасидаги мавжуд «БиоГаз» ускунасини ишга тушириш учун корхона ва ташкилотлар мурожаатини қабул қилади ва ҳамкорликка таклиф этади.

Мурожаат учун телефон: +99890 920-75-76. (Факс) +99870 214-15-60.

"FERON LEASING" МЧЖ
ЛК юридик манзили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Халқобод кўчаси, 17-уй бўлганлигини маълум қилади. Маълумот учун телефон: 150-40-30, 150-40-29.

Чоршанба – ёнгинлар профилактикаси куни

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида назарий-амалий машгулотлар ўтказилмоқда.

Хушёрга – дўст, бепарвога – ёв

Уларда иштирокчиларга батафсил маълумотлар бериш билан бирга ёнгин хавфининг олдини олиш, ёнгин содир бўлганда ўт ўчириш гуруҳлари этиб келгунга қадар амал қилиниши лозим бўлган кўникмалар амалий жиҳатдан намойиш этилиб, назарий томондан атрофлича тушунтирилмоқда.

Тадбирларга Ёнгин хавфсизлиги хизмати вакиллари, корхона, ташкилот, муассасаларда ёнгин хавфсизлиги масъул қилиб бириктирилган ходимлар ҳамда ёшлар жалб этилаётди.

Машгулотлар давомида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ёнгинларнинг олдини олишдаги касб кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларга ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги бурч ва ваколатлари юзасидан атрофлича – тушунчалар бериш, ёнгин пайтида фуқароларнинг амал қилиши лозим бўлган вазифаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ёнгинлар келиб чиқиши сабаблари, салбий оқибатлари, ёш болалар ўт чиқувчи мосламалардан фойдаланишининг олдини олиш борасида тушунчалар берилмоқда. Катталар ва болаларга ёнгин вақтида тўғри ҳаракатланишни ўргатиш, уларнинг бу борадаги кўникмасини шакллантириш мақсадида амалий машгулотлар ўтказилаётди.

Жонибек САЛИМБОВ,
Бектемир тумани ЕХБ катта инспектори, сержант.

Ён дафтardan

Билдирмай севиб қанчалик мароқли бўлса, ўйлайманки, пинҳона севилиш ҳам шунчалик мароқлидир.

Хушёр бўл: зоҳиран кўзи ўйнатадиган гўзал аёлнинг ботинан кўнглини айнитадиган қилиқлари ҳам бўлиши мумкин.

Нафсдан қутилган – хавфдан қутилган.

Баъзилар машҳур кишиларга душманлик қилиб ном қозонмоқчи бўладилар.

Эрта ҳам ялтоқланма, кеч ҳам ялтоқланма ва ҳеч ҳам ялтоқланма.

Кимгадир тўлагина жувон, кимгадир китоб тўла жавон.

Узун тилим – узгун тилим, Қўсқа тилим – тизгин тилим.

Энг яқин дўстим ҳам, энг ёмон дўстим ҳам – менинг ўзим.

Нафақат ўзгаларга, балки ўзига ҳам кучи етгангина ҳақиқий полвон саналади.

Ширин бўлсанг – сўриб оладилар, аччиқ бўлсанг – туфлаб ташлайдилар.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор.

Ўаёт манзаралари

АВТОБУС БЕКАТИДА

БАШАНГ ОНА ВА БЎШАНГ БОЛА
Эрталаб... Ҳамма ишга шошилган тигиз пайт. Бекалда башанг кийинган она билан ҳали уйқуси батамом очилмаган қизалоқ турибди. Она бўянган, тирноқлари маникюр қилинган, эғнида замонавий либослар... Қизалоқ ҳали мактабга бормайди – чамаси беш-олти ёшларда. Боғчага кетяпти, шекилли. Қўлида нон. Шошиб ёмоқда. Ушқоқлари тўкилиб кетмоқда. Барчанинг хаёлидан шундай фикр ўтади: "эртабалик нонуштини қилмаша улгурмаган..."

Бирдан ўша тарафдан "эш-шак" деган, сўнгра "қарс" этган овоз келди, бекалдагиларнинг нигоҳи яна уларга қадалди. Навбатдаги лўжа қизалоқнинг томоғига тўкилиб қолаётди. Онаси унга энди эътибор берган эди. Сўнгра кўраётган дилбандининг оғзига кўлини тикиб, каттагина чайналмани олди ва ёнидаги чиқинди қутигаси ташлади.

– Нафсинга ўт тушсин! Амакиларингдай очофатсан-а? Шу туришинг бўлса, биринг икки бўлмайди!
Қизалоқ бу гапларга парво қилмади. Ҳалқумидаги лўжадан халос бўлганидан хурсанд эди. Онасининг қарғашларига ҳам эътибор бермай, унинг тиззаларини маҳкам қучоқлаб, йиғлаб юборди. Онаси эса болани обдон кўриётган, атрофдагиларга юзланди:

– Вой, буларни қанақа тарбия қилишни ҳам билмай қолади-я, одам. Асабларим ҳам тамом бўляпти, тавба...
Кимдир онанинг гапини маъқуллади. Кимдир болага икки дона конфет бериб, овултандай бўлди.

МЕҲРИБОН ОНА ВА УНИНГ ҚИЗАЛОҒИ
Кечки пайт. Бекалда одам кўп. Ҳамма ишдан қайтмоқда. Асаблар анчайин толиққан, ҳорғинлик юзу кўзларда билинади. Бир қўлида оғиргина юк халта, иккинчисида уч ёшлардаги қизининг қўлидан тутган аёл бекад ўриндиги ёнига келди. Бола эса хархаша қила бошлади:

– Қорнин очди...
– Вой, асалим, қорнинг очиб қолдимиз? Юр, чеккароқча чиқайлик, – она шундай дея қизалоқни яқиндаги хиёбонга олиб ўтди. Қизини ўриндиққа ўтказиб, тиззасига дастурмоқчасини тушади, бошини силаб қўйди. Сўнгра қўлига печенье тутди.

– Асалим, ноннинг ушоғи ҳам нон. Энди қорнинг очса, дарҳол менга айтгин. Четга чиқиб, ўтириб еб оласан, хўпми... Ҳозир еб бўлсанг, дастурмоқчанга тўкилган ушқоқларни даракнинг тағига, бир четга тўкиб қўямиз. Чумолилар, қўшлар ейишса, сени дуо қилишади. Узимнинг ақли қизалоғимдан ўргилай...

– Ойи, бу печенье-ку... – ажабланиб қаради қизалоқ.

– Бу ҳам нон, болам, – дея тушунтира кетди она. У эринмай сўзларди. Ҳар бир ҳаракатида меҳр жўшиб турарди...

Гулноза СОАТОВА

Реклама ва эълонлар

ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-поғрузчик ЗП-Ф-П (Б) 1 бульдозер
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Бульдозер-поғрузчик БЛ-750
- Турли моделдаги шиналар
- Занжири экскаватор-поғрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2

Махсулотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси кўп йиллар соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийси
Равшан АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрноат комплекси тарихидида ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шўҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодийёр ИҶДОШЕВ (Масъул котиб).
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорағалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04
Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 994-57-08;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 644-44-11;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Бюролма Г-313, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қорғач бичими А-2.
Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнёр Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
21619 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 03.20

ISSN 2010-7021
7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 7
Навбатчи муҳаррир:
С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Муасхҳи:
Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нарҳда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5